



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 11 июнь, № 118 (9013)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИНВЕСТИЦИЯЛАР ФАҚАТ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭМАС, БАЛКИ ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ КАФОЛАТИДИР

IV Тошкент халқаро инвестиция форуми ана шундай асосий мавзу ҳамда эзгу ғоя остида бўлиб ўтмоқда.



Пойтахтимизда Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик сармоявий мулоқот майдонига айланган IV Тошкент халқаро инвестиция форуми ўз ишینی бошлади. Мазкур йирик анжуманда Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари,

араб давлатлари ҳамда Европа, Осиё ва Африка минтақаларидан қарийб 3 минг хорижий меҳмонлар, жами 7,5 мингдан ортиқ делегатлар иштирок этаётгани унинг нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолатдир.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТЎРТИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли форум иштирокчилари! Хонимлар ва жаноблар! Азиз меҳмонлар!

Аввало, сизларни — ҳамкор давлатларимизнинг юқори мартабали вакиллари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, бизнес оламининг йирик намоёндаларини тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида чин қалбимдан самимий қутлайман.

Тадбиримизда қатнашаётган Болгария Президенти Румен Радев Жаноби Олийлари, Словакия Бош вазири Роберт

Фицо Жаноби Олийлари, Қозоғистон Бош вазири Олжас Бектенов Жаноби Олийлари, Қирғизистон Ҳукумати раиси Адилбек Касималиев Жаноби Олийлари, Тожикистон Бош вазири Қоҳир Расулзода Жаноби Олийлари, Озарбайжон Бош вазири Али Асадов Жаноби Олийлари, Россия Федерацияси Ҳукумати раиси ўринбосари Александр Новак Жаноблари, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари Нокергули Атагулиев Жанобларини қўриб турганимдан ғоят хурсандман.


Шунингдек, Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, араб давлатлари ҳамда Европа, Осиё ва Африка минтақаларидан келган нуфузли делегацияларни ҳам чин дилдан қутлайман.

Биз билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган молиявий институтлар раҳбарлари — Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо хоним ва Янги тараққиёт банки президенти Дилма Русеф хонимга алоҳида миннатдорлик изҳор этаман.



ЎЗБЕКИСТОН ВА БОЛГАРИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Болгария Республикаси Президенти Румен Радев расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.



10 июнь кўни Қўрсарой қароргоҳида Болгария Республикаси Президенти Румен Радевни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Қароргоҳ олдидаги майдонда икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортди.

Президентимиз олий мартабали меҳмонни самимий қарши олиб, шохсупага таклиф этди.

Давлат мадҳиялари янгради. Ҳарбий оркестр садолари остида етакчилар фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Болгария Республикаси Президенти Румен Радевининг расмий делегациялар иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги амалий ҳамкорлики янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йилда ўрнатилган. Сўнгги йил-

ларда олий ва юқори даражадаги икки томонлама алоқалар фаоллашди.

Давлатимиз раҳбари Болгария етакчисини самимий қутлаб, сўнгги 17 йилдаги биринчи саммит тарихий аҳамиятга эга эканини, Ўзбекистон — Болгария дўстлик ва шериклик муносабатларини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқишини таъкидлади.

Парламентлар, иқтисодиёт ва ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги ҳамкорлик фаоллашгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш кўрсаткичлари ўсмоқда, кооперациянинг янги йўналишлари ва лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Гуманитар алмашинувлар амалга оширилмоқда, Бухоро ва Варна, Самарқанд ва Пловдив ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилган.

Кўп қиррали ҳамкорлики янада мустаҳкамлаш мақсадида ташқи сиёсат идоралари ўртасида тизимли алоқаларни йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди.

Савдони, энг аввало, тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё ва фармацевтика маҳсулотлари, металл буюмлар ва технологик ускуналар етказиб бериш-

ни кенгайтириш орқали кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзаро савдонинг ўсишини рағбатлантириш мақсадида пойтахтларда савдо уйлари очиш, лабораторияларни аккредитациядан ўтказиш ва имтиёзли кредит линиялари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат саноати, фармацевтика, геология, сунъий интеллект, рақамли технологиялар ва IT, туризм соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш устувор йўналиш сифатида қайд этилди.

Самарали ер усти ва ҳаво транспорт йўлакларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу маънода, томонлар икки давлат ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш имкониятини қўриб чиқишга келишиб олдилар.

Меҳнат ресурслари соҳасида тизимли ҳамкорлики йўлга қўйиш учун София шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Миграция агентлигининг ваколатхонасини очиш масаласи қўриб чиқилади.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июнь кўни тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Озарбайжон Республикаси Бош вазири Али Асадов, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов, Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари Адилбек Касималиев, Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари Александр Новак, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Нокергули Атагулиевни қабул қилди.



Озарбайжон Республикаси Бош вазири Али Асадов билан учрашув аввалида Ўзбекистон етакчисига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг салом ва энг эзгу тилақларини етказди.

Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Иқтисодий кооперация йили доирасида биргаликда самарали ишлар амалга ошириладигани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида, жумладан, қўшма

Инвестиция компанияси қўмағида амалга ошириладиган кооперация лойиҳалари қизгин паллага кирган. Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар давом этмоқда.

Эришилган келишувлар ижросини назорат

қилиш ва бўлажак олий даражадаги учрашув учун янги ташаббусларни илгари суриш мақсадида ҳукуматлар даражада яқиндан амалий ҳамкорлики давом эттириш муҳим экани таъкидланди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТЎРТИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

Бугунги форумда 7,5 мингдан ортиқ делегатлар, жумладан, 100 га яқин давлатлардан салкам 3 минг нафар хорижий меҳмонлар иштирок этмоқда. Биз бунин, авваламбор, мамлакатимизга бўлган ҳурмат, ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорликнинг чинакам ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Ўзбекистон заминига хуш келибсиз, қадрли дўстлар!

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Бугунги дунё катта синовларни бошидан кечирмоқда. Глобал хавфсизлик ва барқарор ривожланишга жиддий таҳдидлар тобора кучаймоқда, геосиёсий жараёнлар кўз ўнгимизда шиддат билан ўзгармоқда.

Жаҳонда қуролланиш пойғаси яна авж олмоқда. Йирик мамлакатларнинг ҳарбий харажатлари 2010 йилдагига нисбатан бир ярим баробар ортиб, 2,5 триллион долларга етди. Иқтисодий инқироз асоратлари, молиявий ресурслар тақчиллиги туфайли жаҳон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари эса кетма-кет ўй йил давомида пасаймоқда.

Минг афсуски, халқаро ҳуқуқ нормалари ва дипломатия кучи заифлашмоқда. Энг ачинарлиси, инсоният учун энг долзарб муаммолар — озиқ-овқат хавфсизлиги, камбағаллик, иқлим ўзгаришлари каби масалаларга эътибор қаймаётган. Дунёда тинчлик, адолат ва инсон қадрига бўлган умумий ишончни тиклаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Биз Украина билан боғлиқ вазиятни фақат дипломатик йўллар билан ҳал этиш зарур, деб ҳисоблаймиз ва Истанбулда бўлиб ўтгаётган тўғридан-тўғри музокараларни олқишлаймиз.

Шу билан бирга, кўпдан буён чўзилаётган Ғазо фожиасига эътиборингизни қаратмоқчиман. XXI асрда кўз ўнгимизда қўлаб бегуноҳ инсонларнинг нобуд бўлаётганини ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Бу муаммонинг ягона ечими — низоини халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва қабул қилинган резолюциялар асосида адолатли ҳал қилишдир. Фаластин халқи ўз мустақил давлатига эга бўлишга ҳақлидир.

Глобал кун тартибидagi яна бир масала — бу қўшни Афғонистоннинг тинч ва барқарор ривожланишига қўмаклашишдан иборат. Бу давлатнинг амалдаги ҳукумати билан халқаро майдонда конструктив мулоқот олиб бориш, унинг ақаланиб қолганига йўл қўймаслик ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Зеро, мазкур мамлакатдаги оқсоқиллик ва иқтисодий ривожланиш ён-атрофдаги барча минтакаларнинг узоқ муддатли тараққиёти учун зарур омилдир.

Мен ҳозир таъкидлаб ўтган муаммолар бўйича барча шерик давлатларимизни очик ва кенг қўламли халқаро ҳамкорликка чақирамиз. Чунки форумнинг асосий мавзуси бўлган **инвестициялар — фақат иқтисодий тараққиётнинг эмас, балки тинчлик ва барқарорликнинг кафолатидир!**

Келинг, биргаликда шундай инвестиция муҳитини яратайликки, **у даромад келтириш билан бирга инсон қадрини улуглайдиган,**

унинг ҳаётий манфаатларини таъминлайдиган ва жамият раванкига хизмат қиладиган мустахкам пойдеворга айлانسин!

Азиз меҳмонлар! Ҳозирги қийин шароитда биз Ўзбекистонда иқтисодий барқарорлиқни сақлаб қолишга асосий эътибор қаратялмиз.

Ялпи ички маҳсулотимиз саккиз йилда 2 баробар кўпайди. 2030 йилга бориб бу кўрсаткични 200 миллиард долларга етказишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Ўтган йили инвестиция ҳажми 35 миллиард долларга, экспортимиз 27 миллиард долларга етгани — тўрт йилдан буён ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро инвестиция форумининг ҳам амалий натижасидир.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар самараси халқаро рейтингларда ҳам ўзининг муносиб аксини топмоқда. “Иқтисодий эркинлик индекси”даги ўрнимиз сўнгги беш йилда 48 поғонага юқори кўтарилди. Гарварднинг “Иқтисодиёт мураккаблиги индекси”даги ўрнимиз 28 поғонага яхшиланди. Ўтган ойда нуфузли “S&P” агентлиги Ўзбекистоннинг суверен рейтингни прогнозини “барқарор”дан “ижобий”га оширди.

Бугун дунё иқтисодиёти янги давр ва ўзгаришлар остонасида турганини барчамиз яхши тушунамиз. Бу эса барқарор ривожланиш йўлидан бораётган давлатларни куйдаги тўртта йўналишда ҳамкорликда ишлашга ундамоқда.

Биринчидан, “яшил” иқтисодиёт моделига ўтиш.

Биз иқтисодиётимизни барқарор энергия ресурслари билан таъминлаш учун айнан “яшил” энергетикани ривожлантиришга қаттиқ бел боғлаганмиз.

Ўтган қисқа даврда бу соҳага қарийб 6 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция кириб келди. Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 59 миллиарддан 82 миллиард киловатт-соатга етди. Кейинги беш йилда бу кўрсаткич 120 миллиард киловатт-соатдан ошиб, “яшил” энергия улуши 54 фоизга етди.

Шунингдек, электр тармоқларини янгилаш ҳам 4 миллиард доллар жалб қиламиз.

Бу борада жорий йилда Самарқандда, келгуси йилдан яна 8 та ҳудудда электр тармоқларини хусусий шерикликка берамиз.

Бундан ташқари, илк бор “яшил” сертификат ва углерод бирликлари савдосини бошладик. Шу йил глобал углерод бозорларига қўшилиб, “Яшил Ўзбекистон” иқлим инвестициялари платформасини яратимиз.

Иккинчидан, рақамли технология ва сунъий интеллект иқтисодиётнинг “драйвери”га айланоқда.

Мамлакатимизда шу йилнинг ўзида IT экспорти 1 миллиард долларга етди. 2030 йилга бориб бу кўрсаткични 5 қарра ошириш учун салоҳиятимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етарли.

Бу ишларимиз халқаро даражада эътироф этилиб, Сунъий интеллектга тайёрлик бўйича

халқаро индексида бир йилда 17 поғонага кўтарилдик.

Келгуси йил “Булуғли технологиялар” миллий платформаси ишга тушади. Яқин беш йилда хусусий инвесторлар билан бирга қувати 500 мегаваттдан зиёд 20 та “дата-марказ” барпо этамиз.

Шунингдек, бой тарихимиз, азалий қадриятларимиз ҳамда янги креатив ғояларни муҳассас этган сунъий интеллектнинг миллий моделини ишлаб чиқамиз. Бу тизим самарадорлигини таъминлаш учун “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳасини бошладик.

Ишончм комил, сизлар билан биргаликда Ўзбекистонни нуфузли IT ва Fintech хабиға айлантирамиз.

Учинчидан, бугунги шароитда молиявий тизим ва технологиялар кескин ўзгармоқда.

Биз яқинда Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки билан бирга Ўзбекистон молия секторини илк бор комплекс баҳолашдан ўтказдик. Улар банк, молия, сўғурта, капитал бозоридagi ислохотларимизни тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Бу соҳаларни кейинги ривожланиш босқичига олиб чиқиш мақсадида Ўзбекистонда Молиявий барқарорлик кенгаши ташкил этилди, Марказий банкда киберхавфсизлик ва молиявий технологиялар платформалари ишга туширилди.

Сўғурта тизимида ҳам катта ислохотларни бошладик. Миллий қайта сўғурталаш компанияси ва Глобал қайта сўғурталаш рақамли платформаси ташкил этилди.

Стартаплар учун муқобил молиявий инструмент — венчурулар бизда тез ривожланиб борапти. Мисол учун, ўтган йили 2 та стартап компаниямизнинг қиймати илк бор 1 миллиард доллардан ошди. Бундай компанияларни албатта қўпайтирамиз.

Шу боис “Муқобил инвестиция жамғармалари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Келгуси беш йилда венчур ва бошқа муқобил сармоялар ҳажминини 1 миллиард долларга олиб чиқамиз.

Яна бир йўналиш. “Тўртинчи саноат инқилоби” “технологик минераллар”га талабни бир неча қарра кўпайтирмоқда.

Ўзбекистонда вольфрам, молибден, магний, литий, графит, ванадий, титан ва бошқа минералларнинг катта захираси аниқланган. Умуман, ер ости бойликлариимизнинг салоҳияти 3 триллион долларга баҳоламоқда.

Минтақамизнинг минераллардан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш хабиға айланиши учун барча имкониятлар мавжуд. Бу борада Тошкент ва Самарқанд вилоятларида “Келажақ металлари технопарки”ни бунёд этмоқдамиз.

Шу ўринда бир ташаббусни илгари сурмоқчиман: бу соҳада геология-қидирув ишларидан бошлаб, тайёр маҳсулот занжирини йўлга қўйган инвесторларга ўй йил давомида рента солиғи қайтариб берилади.

Ишончим комил, сизлар билан узоқ муд-

датли самарали алоқаларимиз айтиб ўтилган барча йўналишларда ўзаро манфаатли бизнес ҳамкорликка айланади.

Ҳурматли инвесторлар!

Биз “Янги Ўзбекистон — инвестициялар учун катта имкониятлар мамлакати” деган тамойилни амалий натижаларга айлантириш мақсадида барча чораларни кўрялмиз.

Энг аввало, бир нарсга эътиборингизни қаратмоқчиман: глобал ишлаб чиқариш занжирларида ҳар бир давлат учун тенг шароитни таъминлайдиган ишончли қондалар бўлиши шарт ва зарур.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада Жаҳон савдо ташкилотининг алоҳида ўрни бор. Шу боис келгуси йилда ушбу Ташкилотнинг аъзосига айланиш бўйича олдимизга мақсад қўйганмиз ва бу борада ҳамкорларимиз билан фаол ишлялмиз. Бунинг учун ўнлаб қонун, юзлаб стандартларни халқаро талабларга мослаштирдик ва бу ишларни шу йил тўлиқ якунига етказамиз.

Иккинчидан, мамлакатимизда хорижий сармоядорларга янада қулай муҳит яратиш учун маҳаллий компаниялар билан бир хил шароитларни кафолатловчи “миллий режим” жорий қилинади, давлат органлари билан муносабатга киришишда “ягона дарча” тамойили татбиқ этилиши белгиланди, инвестиция фаолиятини ортиқча текширувлардан кафолатли химоялаш тизими яратилди.

Бўлар орқали 2030 йилга бориб, Ўзбекистоннинг кредит рейтингини “инвестицион” даражага олиб чиқишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Учинчидан, биз давлат компанияларини хусусийлаштиришда уларни юртимиз фаровонлигига хизмат қилувчи йирик активларга айлантириш йўлини танлаганмиз.

Шу боис 18 та йирик компания ва банклардаги қарийб 2 миллиард долларлик давлат улушини ўзида бирлаштирган “Миллий инвестиция жамғармаси” ташкил этилди. Жамғарма бошқарувига нуфузли “Franklin Templeton” компанияси жалб қилинди. Келгуси йилнинг ўзида жамғарманинг акциялар пакети халқаро IPO га чиқарилади.

Шунингдек, профессионал консултантлар жалб қилиниб, икки йилда 29 та йирик давлат компанияси хусусийлаштирилди.

Тўртинчидан, биз транспорт ва логистика соҳасини иқтисодиётимизнинг қон томирли сифатида кўраамиз.

Шу боис бу соҳага ҳам хусусий капитални фаол жалб қилмоқдамиз. Биргина мисол, Самарқанд, Наманган, Бухоро ва Урганч халқаро аэропортлари давлат-хусусий шериклик асосида салоҳиятли инвесторлар бошқарувиға берилди.

Урганч аэропорти бошқарувиға дунёнинг етакчи “Инчон” компанияси жалб қилинди. Келгуси йилда Нукус, Термиз, Фарғона, Навоий аэропортлари бўйича ҳам тендерлар ўтказамиз.

Яна бир муҳим йўналиш — пойтахтимизда яшаб ва ишлаётган аҳоли сони 5 миллиондан ошди. Шу боис 2 миллион аҳолиға мўлжалланган “Янги Тошкент” шаҳрини барпо этиб, пойтахтни мегаполисга айлантирамиз.

Бу ерда йилига 20 миллион йўловчиға хизмат кўрсатиш имкониятиға эга аэропорт, темир йўл ва автомобиль транспортини қамраб олган “мультимодал хаё” қурилади. Йирик савдо комплекслари ва молия марказлари қад кўтаради.

Ушбу мега лойиҳани биргаликда амалға ошириш учун инвесторлар, халқаро молия институтлари ва хорижий банкларни таклиф қиламиз.

Бешинчидан, сўнгги йилларда қўшниларимиз билан йўлга қўйилган очик ва дўстона сиёсат натижасида Марказий Осиёда мутлақо янги ҳамкорлик муҳити шаклланди.

Бугун ушбу давлатларнинг ҳукумат раҳбарлари форумда иштирок этаётгани ҳам сўзимнинг ақол исботидир.

Эътибор беринг, саккиз йилда қўшнларимиз билан товар айланмаси ҳажми 3,5 баробардан зиёд ошиб, қарийб 13 миллиард долларға етди.

Катта инвестиция лойиҳалари амалға оширилмоқда. Жумладан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуришни бошладик, йирик энергетика ва инфратузилма лойиҳаларини тайёрлаш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда.

Умуман, биз Марказий Осиёда **“Инвестиция ва савдо учун яхлит худуд концепцияси”**ни илгари суришни таклиф қиламиз.

Шу ўринда халқаро ташкилотларға мурожаат қилмоқчиман: минтақавий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун янги молиявий механизмларни йўлга қўйиш вақти келди. Биргаликда ҳаракат қилсак, Марказий Осиёни тинчлик ва тараққиёт маконига айлантирамиз.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Бугунги форум янги, кенгайтирилган форматда ўтказилмоқда. Унинг доирасида илк бор ихтисослашган кўргазма ташкил этилиб, унда Ўзбекистон компаниялари ўз лойиҳалари ва қўшма ташаббуслари билан иштирок этмоқда.

Бир масалаға алоҳида ургу бермоқчиман: **биз учун инвестиция — фақатгина молиявий манба эмас. Бу — технология, билим, малакали кадрлар, халқаро ишлаб чиқариш занжирига қўшилиш, яъни ҳақиқий тараққиёт демокдир.**

Ўзбекистон мана шундай эзгу ғоялар билан келадиган хорижий инвесторларға барча шароитларни яратиб беради, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ва бунга кафолатлайди. Юртимизда сизлар учун барча эшиклар доимо очик.

Энг муҳими — фаолиятингизни химоя қиладиган қонунлар бош, мулоқотга очик давлат ва ҳамкорликка тайёр меҳнаткаш халқимиз бор.

Бугунги анжуманда иштирок этаётган, мамлакатимизға меҳмон бўлиб келган ҳар бир инвестор, хорижий ҳукумат ва халқаро ташкилотлар вакиллариға яна бир бор чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Барчангизға омад ва улкан ютуқлар тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН ВА БОЛГАРИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Гуманитар алоқаларни, шу жумладан, академик ва илмий алмашинувларни фаоллаштириш, жорий йилда Андижон шаҳрида етакчи олий таълим муассасалари ректорларининг учрашувини ўтказиш ташаббуслари қўлаб-қувватланди.

Шунингдек, келгуси йилда Ўзбекистон ва Болгария маданияти ҳамда киноси ҳафталигини ташкил этишга келишиб олинди.

Эришилган келишувлар ижроси устидан тизимли назоратни таъминлаш мақсадида томонлар қўшма «йўл харитасини» қабул қилиш ва Ҳукуматларро комиссия хамраислари даражасини ошириш, унинг иши-ға ҳудудлар ва йирик компаниялар раҳбарларини жалб қилишга аҳдлашилди.

Учрашув якунида Президент Румен Радев Президент Шавкат Мирзиёевни ўзи учун қулай вақтда жавоб ташрифи билан Болгарияға боришға таклиф этди.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Болгария Республикаси Президенти Румен Радев Икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида қўшма декларацияни имзоладилар.

Етақчилар ҳузурида икки томонлама ҳужжатлар, жумладан, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2026-2027 йилларға мўлжалланган ҳамкорлик дастури ҳамда Тошкент ва София шаҳарлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Олий даражадаги музокаралар якунида Кўксарой қароргоҳида дарахт экиш маросими бўлди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Румен Радев халқларимиз дўстлиги ва ҳамкорлиги, икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очишға муштарак иштилининг ифодаси сифатида Фахрий меҳмонлар хибобинда дарахт экидилар.

Шу кунни олий мартабали меҳмон “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Румен Радев ушбу муаззам боғнинг бунёд этилиш тарихи билан танишди. Монументда акс эттирилган буюк алломалар, қаҳрамон саркарда ва жаҳонгирлар, жадид болаларимиз ҳақида сўзлаб берилди.

Делегация аъзолари “Янги Ўзбекистон” мажмуасининг ғоявий ва меъморий ечимлариға эътибор қаратди. Бу ердаги боғ — ноёб дарахт ва гул-чечаклар, амфитеатр, фавворалар уйғунлиги эътироф этилди.

Болгария Республикаси Президенти Румен Радевнинг Ўзбекистонға расмий ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ФАҚАТ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭМАС, БАЛКИ ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ КАФОЛАТИДИР



Бу галги форумда, жумладан, Болгария Президенти Румен Радев, Словакия Бош вазир Роберт Фицо, Қозғоистон Бош вазир Олжас Бектенов, Қирғиз Республикаси Ҳукумати раиси Адилбек Касималиев, Тожикистон Бош вазир Қоҳир Расулзода, Озарбайжон Бош вазир Али Асадов, Россия Ҳукумати раиси ўринбосари Александр Новак, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари Нокерулли Атагулиев, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, Янги тараққиёт банки президенти Дилма Русеф ҳамда қўллаб таникли инвесторлар, халқаро экспертлар қатнашапти. Шубҳасиз, бу янги Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий тараққиётига, юксак савдо-сармоявий салоҳиятиға бўлган мустахкам ишонч ва яқин ҳамкорликнинг чинакам ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида IV Тошкент халқаро инвестиция форумининг ялпи мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари глобал хавфсизлик ва барқарор ривожланишга жиддий таҳдидлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб геосиёсий жараёнларнинг жаҳон иқтисодиётига қўрсатаётган таъсири тенденцияларини ҳисобға олиб, ҳамкорликнинг асосий тамойиллари ҳамда Ўзбекистон савдо-иқтисодий ва инвестициявий дастурининг муҳим йўналишлари бўйича ўз фикрларини билдирди.

Президент форумдаги нутқини дунёдаги бугунги вазиятнинг қисқача таҳлилидан бошлади. Ҳозирги кунда

геосиёсий жараёнлар шиддат билан ўзгариб, глобал хавфсизлик ва барқарор тараққиётга таҳдидлар кучайиб бораётгани таъкидланди.

Ўзбекистон раҳбари минтақавий можаоралар ва муаммоларни фақат дипломатик воситалар билан, халқаро ҳуқуқ нормалари ва принциплари асосида БМТ резолюцияларига мувофиқ ҳал этиш муҳимлигини таъкидлади.

— Мен ҳозир таъкидлаб ўтган муаммолар бўйича барча шерик давлатларимизни очик ва кенг қўламли халқаро ҳамкорликка чақирамиз. Чунки форумнинг асосий мавзуси бўлган инвестициялар — фақат иқтисодий тараққиётнинг эмас, балки тинчлик ва барқарорликнинг кафолатидир, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон етакчиси нафақат даромад келтирадиган, балки инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий манфаатлари ва жамият тараққиётини таъминлаш учун мустахкам пойдевор бўлиб хизмат қиладиган инвестиция муҳитини яратишға қақирди.

Таъкидланганидек, иқтисодий инқироз асоратлари, молиявий ресурслар тақчиллиги туфайли охириги уч йилда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари муттасил пасаймоқда. Ана шундай мураккаб бир шароитда Ўзбекистонда иқтисодий барқарорлик таъминланаётгани унинг инвестициявий жозибadorлигини оширмоқда. Бинобарин, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми охириги саккиз йил ичида 2 баробар қўпайгани, ўтган йили инвестиция ҳажми 35 млрд. долларға, экспорт 27 млрд. долларға етгани фикримиз тасдиғидир. Бундай ижобий натижалар қўлга киритилиши,

давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, анъанавий равишда ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро инвестиция форумининг амалий натижаси ҳамдир.

Дарҳақиқат, пойтахтимиз мезбонлик қилган мазкур форумнинг ўтган уч йиллиқ фаолияти давомида умумий қиймати 44 млрд. долларлик 357 та инвестиция шартномаси имзоланган. Шундан 57 таси бугунги кунға қадар тўлиқ амалға оширилган бўлса, яна 263 таси қурилиш ва лойхалаштириш босқичида эканлиги форумнинг томонлар учун ўта самарали анжуманға айланганини аңглатади.

Таҳлилларға қараганда энг кўп инвестициявий лойиҳалар Саудия Арабистони, Хитой, Россия, БАА, Туркия, Германия, Франция улушига тўғри келади. Жаҳоннинг етакчи халқаро инвесторлари, йирик молия институтлари ҳамда бизнес доиралари вакиллари бир жойға жамлаган навбатдаги форумда бундан-да юқори натижаларға эришилгани кутилмоқда. Чунки халқаро ҳамжамият эътиборига иқтисодиётнинг энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, тўқимачилик, фойдал қазилмаларни казиб олиш, рақамли технологиялар ва бошқа стратегик муҳим соҳаларига оид умумий қиймати 30 млрд. доллардан ошмиқ бўлган инвестиция лойиҳалари тақдим этилмоқда.

Халқаро экспертларнинг эътироф этишича, Ўзбекистон кейинги йилларда Марказий Осиёдаги энг жозибador инвестиция манзилларида бириға айланди. Шубҳасиз, бунда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш рақобатбардош янги Ўзбекистонни барпо этишнинг асосий стратегик йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилгани ҳал қилувчи аҳамият касоб этмоқда. Нега деганда, инвестиция муҳитини янада яхшилашға қаратилган либерал иқтисодий сиёсат юритилиб, ишлаб чиқариш ва саноат йўналишлари диверсификация қилинди, ишбилармон ва инвесторларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари химояси мустаҳкамланди, асосий, солиқ имтиёзлари ва бошқа енгилликлар тақдим этилди. Бу, ўз навбатида, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмиқ, Ўзбекистонға

бўлган ишонч ва қизиқишнинг тобора ошишиға хизмат қилмоқда.

Шу ўринда сўзимиз исботи ўлароқ сўнгги беш йил ичида Ўзбекистон Иқтисодий эркинлик индексида 48 поғонаға, Гарварднинг Иқтисодиёт мураккаблиги индексида 28 поғонаға кўтарилгани, яқинда нуфузли “S&P” агентлиги Ўзбекистоннинг суверен рейтингни бўйича прогнозини “Барқарор”дан “Ижобий”ға кўтарганини келтириш жоиз.

Давлатимиз раҳбари нутқида алоҳида таъкидлаб айтганидек, инвестиция соҳасидаги ислохотлар “Янги Ўзбекистон — инвестициялар учун катта имкониятлар мамлакати” деган тамойил асосида янги босқичға олиб чиқилди. Эңдиликда хорижий сармоядорларға янада қулай ишбилармонлик муҳити яратиш учун маҳаллий компаниялар билан бир хил шароитларни кафолатловчи “миллий режим” жорий қилинади. Давлат органлари билан муносабатга киришишда “ягона дарча” тамойили татбиқ этилиб, инвестиция фаолиятини ортиқча текширувлардан кафолатли химоялаш тизими яратилди.

Сармоявий ҳамкорликни мустаҳкамлашда узоқ хорижий давлатлар билан бирға, яқин

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗГА ҲАМОҲАНГ ҒАЛАБА

Бир тур олдин жаҳон чемпионати йўлланмасини кўлга киритиб, тарихий натижани қайд этган футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 10-турда пойтахтимиздаги муҳташам “Бунёдкор” стадионида Қатар терма жамоасини қабул қилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев футболчиларимиз қувончига шерик бўлиш ва уларни улкан натижа билан табриклаш учун стадионга таширф буюрди. Давлатимиз раҳбари билан ўйинни Болгария Президенти Румен Радев ва Словакия Бош вазири Роберт Фицо ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари ҳукумат раҳбарлари биргаликда кузатди.



Фахр

Шу кунларда миллий спортимиз соғломасига олтин ҳарфлар билан битилган бундай ёрқин натижа юртимиздаги миллионлаб футбол мухлислари, халқимизнинг неча йиллик орзуси эди. Қутлуғ зафар айёмида кўп миллатли Ўзбекистон халқи футболчилари билан ҳақли равишда фахрланмоқда, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Таъкидлаш керакки, терма жамоамиз аъзолари кучли рақобат остида, кескин ва шиддатли курашларда ўтган саралаш ўйинларида зарур очколарни жамғариб, жаҳон чемпионати йўлланмасини кўлга киритгани янги Ўзбекистон ёшлари юксак марраларни эгаллашга қодир эканини яна бир бор исботлади.

Маъмур улкан ғалаба мамлакатимизда кейинги йилларда спортга, жумладан, унинг энг оммавий тури бўлган футболга берилаётган улкан эътиборнинг яна бир амалий натижаси сифатида ҳам биз учун ғоят қадридлидир.

Энди бевосита учрашувга тўхталсак, баҳс давомида рақибнинг нафас олишига деярли йўл қўймаган вакилларимиз йирик ҳисобда ғалаба қозонишди — 3:0. Биринчи бўлимининг дастлабки дақиқалариданоқ футболчиларимиз қатарликлари анча шошириб қўйиб, кетма-кет ҳужумлар уюштирибди. Беллашувдаги ҳисоб 28-дақиқада келиб очилди. Ўйинни асосий таркибда бошлаган Азизбек Турғунбоев ўзининг аjoyиб кучли зарбаси билан тўпни дарвозага “михлаб” қўйди. Шундан сўнг ташаббусни тўлиқ ўз қўлига олган футболчиларимиз Қатар терма жамоаси посбонининг ҳушёрлигини бир неча марта синовдан ўтказди. 2-бўлимда ҳам ҳужумларни тўхтатмаган Темур Кападзе шоғирдлари рақиб дарвозасини яна икки бор ишғол қилди. Захирадан ўйинга қўшилган Жамшид Искандеров 86-дақиқада аjoyиб узат-

ма билан терма жамоамиз сардори Элдор Шомуродовни қулай вазиятга олиб чиқди. Элдор эса бундан унумли фойдаланиб, орадаги фарқни иккитага етказиб қўйди. Шунингдек, ўйиннинг асосий бўлим сўнгги дақиқаларида майдонга тушган Игорь Сергеев бурчак зарбасидан йилланган тўпни боши билан дарвозага киритди, якуний натижа — 3:0.

Шу тарихи жаҳон чемпионати Осиё минтақасининг 3-саралаш босқичини 21 очко билан яқунлаган Ўзбекистон терма жамоаси “А” гуруҳида 2-ўринни эгаллади.

Учрашувни стадионда кузатган 32 мингдан зиёд томошабинлар ўйиндан кейин футболчиларимизни тақдирлаш маросимига гувоҳ бўлди. Президентимиз яшил майдонга тушиб, спортчилар ва делегация аъзоларини Ватанимиз тарихида биринчи марта жаҳон чемпионати йўлланмасини кўлга киритгани, ёш авлодини спортга меҳр ва миллий гурур руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси учун давлат мукофотлари билан тақдирлади. Шунингдек, тадбирда уларга BYD машиналари совға қилинди.

Байрам байрамга улашиб кетиб, муазам стадион узра мушакбозлик, дронлар шоуиси намойиш этилди. Футболчиларимиз юзюда чексиз қувонч балқ этиб турарди.

— Ҳаммани ғалаба билан табриклайман. Ўйинимиз ҳам, натижа ҳам яхши кўриниш олди. Халқимизни жаҳон чемпионатида чиққанамиз билан яна бир бор муборақбад этаман, — деди Тимур Кападзе ўйиндан кейин ўтказилган матбуот анжуманида.

Т. Кападзега матбуот анжуманида учра-

шувнинг энг яхши футболчиси деб топилган Азизбек Турғунбоев ҳамроҳлик қилди. — Барчани чин қалбимдан табриклайман. Бизга ишонч билдирган ва кўллаб-қувватлаган, шунингдек, ғалабамизга шерик бўлганларга раҳмат айтаман, — деди А. Турғунбоев.

Саралаш баҳсларида ўзининг ишончли ҳаракатлари билан ажралиб турган дарвозабонимиз Ўткирбек Юсупов ўйиндан кейин қуйидаги фикрларни билдириб ўтди: — Президентимиздан юксак унвонни қабул қилиб олганим ҳаётимдаги энг қувончли, эсда қоларли воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари бизга ўз миннатдорлигини билдирганида қувончдан бошим кўкка етди.

Шунингдек, Саудия Арабистонининг “Ал Фейха” жамоасида легионер бўлиб тўп сураётган Отабек Шукуров ҳам ўз таассуротлари билан бўлишди:

— Авваламбор, жуда ҳам хурсандмиз. Бу натижаларга эришишда, албатта, ҳурматли Юртбошимизнинг футболга эътибори муҳим аҳамият касб этди, деб биламан. Президентимиз томонидан футбол ривожига яратиб берилаётган шарт-шароитлар, тизимнинг тўғри йўлга қўйилгани сабабли қатор ютуқлар кўлга киритилляпти. Биз бу каби зафарли одимларни давом эттиришдан умидвормиз.

Эслатиб ўтамиз, бутун дунё кутаётган жаҳон чемпионати келаси йилнинг 11 июнь — 19 июль кунлари бўлиб ўтади. Унда илк маротаба дунёнинг 48 та терма жамоаси голиблик учун кураш олиб боради.



Хосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Футбол бўйича жаҳоннинг энг нуфузли мусобақасида Ўзбекистон миллий терма жамоасининг иштирок этиши нафақат халқимизнинг спортдаги улкан ютуғи бўлади, балки дунёда ўз ўрнига эга бўлиб бораётган мамлакатимизнинг довуғини, обрў-эътиборини янада оширади. Терма жамоамиз қатнашган ҳар бир баҳсда давлатимиз мадҳияси янграб, жаҳонга бўйлаётган Ўзбекистоннинг бўй-бастини, кучу қудратини тақдор-тақдор намоен қилади. Бу эса азалий орзу-истакларимизга, эзгу мақсадларимизга ҳамоҳангдир.

Суннатилла ИСПОМОВ,
Сардор ПОЁНОВ
«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Шу маънода, Ҳукумат-лараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва икки мамлакат ҳудудлари форумининг юқори натижадорлигини таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Қозғоғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов давлатимиз раҳбарига Қозғоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувлар доирасида Ўзбекистон — Қозғоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Товар айирбошлаш барқарор ортб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Автосаноат, электротехника, тўқимачилик, металлургия, фармацевтика, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ўзаро савдон кўпайтириш ва устувор тармоқларда, шу жумладан, ҳудудлар даражасида саноат кооперациясининг узок мuddатли дастурини шакллантириш бўйича икки мамлакат ҳукуматлари томонидан мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар қўрилиши муҳим экани қайд этилди.

Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари Адилбек Касималиев давлатимиз раҳбарига Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги дўстлик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо ҳажмини ошириш, саноат кооперациясини кенгайтириш, ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гума-

нитар алмашинувни фаоллаштириш масалалари қўриб чиқилди.

Энергетика ва транспорт коммуникацияларидаги йирик минтақавий лойиҳаларни, шу жумладан, Қамбарота ГЭС-1 ва “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилишини жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда ўтказиладиган Ҳукуматлараро комиссия ва Худудлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишларини самарали ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода давлатимиз раҳбарига Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Ўзбекистон — Тожикистон дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини олий даражадаги келишувлар ижроси доирасида янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Кўп қиррали ҳамкорликда юксак даражада эришилгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ва юк ташинш ҳажми ортмоқда, саноат, энергетика, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа устувор тармоқларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Самарали худудлараро алоқалар ва фаол маданий-гуманитар алмашинув йўлга қўйилган.

Шериклиكنинг янги иқтисодий кун тартибини шакллантириш, товар айирбошлашни кўпайтириш бўйича таъсирчан чораларни ишлаб чиқиш, кооперация ва чегараолди ҳамкорлик лойиҳаларини фаол илгари суриш муҳим экани таъкидланди.

Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари Александр

Новак давлатимиз раҳбарига Россия Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди ҳамда форум муваффақиятли ўтаётгани билан табриклади.

Ўтган йили май ойда Россия етакчисининг Ўзбекистонда давлат таширфи ва олий даражадаги бошқа мулоқотлар давомида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари қўриб чиқилди.

Энергетика соҳасидаги ўзаро манфаатли шериклики кенгайтириш, нефть-газ тармоғидаги қўшма лойиҳаларни жадаллаштириш, тинч атом соҳасида ҳамкорлики янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Нокергули Атагулиев давлатимиз раҳбарига Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодиёт, транспорт-коммуникация, энергетика, сув ҳўжалиги соҳаларида кенг қўламли ҳамкорлиكنинг янги кун тартибини шакллантириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперацияни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак Худудлар форуми ҳамда қатор қўшма ишбилармонлик ва маданий тадбирларга пухта тайёрларлик қўриш муҳим экани таъкидланди.

Ў.А.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ПЛАТФОРМАСИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева IV Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этиш учун мамлакатимизга расмий таширф билан келган Болгария Республикаси Президенти Румен Радев билан учрашди.

Учрашув

Ўзбекистон парламенти юқори палатаси раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қўллаб, Болгария Президентининг таширфи икки томоннинг ўзаро манфаатли шериклики мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга интилишини тасдиқлашини таъкидлади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон — Болгария муносабатлари 28 та икки томонлама ҳужжатни ўз ичига олган мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асосда изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Ўз навбатида, Болгария Президенти Румен Радев Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган Тошкент халқаро инвестиция форуми Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий ривожига ҳамда халқаро инвестициявий ҳамкорлик учун муҳим платформа эканлигини таъкидлаб ўтди.

Мулоқот давомида парламентлараро муносабатларни фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада парламентлараро мулоқотнинг ўрни ва аҳамиятига урғу берилиб, Болгария Президентининг Олий Мажлис Сенатига таширфи парламентлар ўртасидаги ҳамкорликини фаоллаштиришга қучли туртки бўлиши қайд этилди.

Томонлар икки мамлакат парламентлари ўртасида тизимли ҳамкорликини йўлга қўйиш, шу жумладан, палаталар ва тегишли қўмиталар раҳбарлари даражасида мунтазам учрашувлар ўтказиш, парламентлараро дўстлик гуруҳларининг қўшма режаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, қонун ижодкорлиги соҳасида таъжриба алмашиш лозимлиги ҳақида яқдил фикр билдирди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАВИЙ САРМОЯВИЙ МАРКАЗ СИФАТИДАГИ МАҚОМИНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Пойтахтимизда IV Тошкент халқаро инвестиция форуми (ТХИФ — 2025) очилди. Бу нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақамиздаги муҳим иқтисодий воқеалардан бири бўлиб, бизнес, ҳукумат ва халқаро молия институтлари вакиллари ўртасидаги нуфузли мулоқот майдониға айланди.

Форумда 7,5 мингдан ортиқ делегатлар, 100 га яқин давлатлардан салкам 3 минг хорижий меҳмонлар, йирик халқаро компаниялар, инвестиция фондлари, молия институтлари раҳбарлари, шунингдек, расмий делегациялар ва ҳукумат вакиллари иштирок этмоқда.

Интервью

Анжуман меҳмонлари орасида иқтисодиёт ва савдо вазирлари, корпорациялар ва банклар раҳбарлари, барқарор ривожланиш бўйича экспертлар, шунингдек, БМТ, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа глобал тузилмалар вакиллари бор.

Иштирокчиларни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кутлади. У 10 июнь кунги нутқида “Форумнинг асосий мавзуси бўлган инвестициялар — фақат иқтисодий тараққиётнинг эмас, балки тинчлик ва барқарорлиكنинг кафолатидир”, дея алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари халқаро ҳамкорлиكنинг устувор йўналишларини, шунингдек, янги Ўзбекистонни минтақавий сармоявий марказга айлантиришни белгилаб берди.

Иштирокчиларнинг фикрича, ТХИФ нафақат инвестиция шартномаларини тузиш ва янги лойиҳаларни тақдим этиш майдончаси, балки Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини оширишнинг муҳим қўрсаткичиға айланди.

Форум доирасида иштирокчилар Ўзбекистонда бизнес юритиш истиқболларини фаол муҳокама қилмоқда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга баҳо бермоқда ва келгусидаги иқтисодий ўзгаришлар ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашмоқда.

Кубаничбек ОМУРАЛИЕВ, Туркий давлатлар ташкилотини бош қотиби: — Тошкентда ўтказилаётган тўртинчи форум алоҳида аҳамиятга эга. ТДТ доирасида



Ўзбекистон ташкилотнинг норасмий пойтахтиға айланган, деган тушунча мавжуд. Иштирокчилар таркибининг ўзи ҳам тадбир қўлами ва унинг нуфузи қанчалик ошиб бораётганидан гувоҳлик беради. Бу нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг жозибадорлиги ошиб бораётганидан далолатдир. Чунки бу ерда кўплаб мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, жумладан, ташкилотимиз аъзолари ҳам иштирок этмоқда. Иштирокчилар орасида қўшни Қозғоғистон, Қирғиз Республикаси, шунингдек, ТДТга аъзо бошқа мамлакатларнинг етакчи инвесторлари ҳам бор.

Аниқ натижалар ҳақида гапирганда, эътиборингизни муҳим бир рақамга қаратмоқчиман. Биринчи форумдаёқ қайта тикландидаги энергия соҳасига Кўрфаз араб давлатларидан Ўзбекистонга 10 млрд. доллардан ортиқ инвестиция жалб қилинган эди. Ишонч билан айта оламнки, бу қўрсаткичлар йилдан-йилга ортиб бормоқда, минтақадаги асосий сармоявий майдон сифатида форумнинг самарадорлиги ва жозибадорлиги ортиб бормоқда.

Бунда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг изчил сиёсати алоҳида ўрин тутди. Унинг раҳнамолигида мамлакатингизда инвестициявий муҳитни сезиларли даражада яхшилайдиган кенг қўламли ислохотлар амалга ошириляпти.

Тойво КЛААР, Европа Иттифоқи делегацияси раҳбари, элчи:

— Ўш Тошкент халқаро инвестиция форуми Ўзбекистон учун ҳам, Марказий Осиё учун ҳам катта аҳамиятга эга. У кенг доирадаги иштирокчиларни бирлаштиради. Айниқса, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар нуктаи назаридан форум давомида Европа Иттифоқининг икки олий мартабали делегацияси мамлакатингизда бўлгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, тадбир доирасида Словакия ва Болгария учун иккита алоҳида бизнес форуми ўтказилмоқда, бу эса Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиكنинг юксак даражада эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон ислохотлар жараёнида узок йўлни босиб ўтди. Албатта, хали кўп иш қилиш керак. Масалан, эртага ЕХХТ кейинги ислохотлар бўйича ўзининг “Йўл харитаси”ни тақдим этади. Ўйлайманки, бу тахлилчи синчиклаб ўрганиш ва ундан иложи борица самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Кўплаб ютуқларга эришилди. Энди ислохотларни амалга оширишда мақсадли олға интилишда давом этиш муҳим.

Пьер-Поль АНТОНИССЕНС, EDF компаниясининг Марказий Осиё минтақаси бўйича директори:

— Мен ушбу форумда учинчи марта иштирок этапман. У аллақанда Европа, Осиё, Америка, умуман олганда, бутун дунё инвесторлари учун муҳим учрашув майдониға айланиб улгурди. Бугун Тошкент минтақанинг инвестицион имкониятлари ўрга-



ниладиган жозибадор нукта сифатида қўрилмоқда. Бу, ҳақиқатан ҳам, катта қизқиш уйғотди. Форумнинг айнан Ўзбекистонда ўтказилиши жуда муҳим. Биз бу воқеани интизорлик билан кутдик. Франциялик кўплаб ҳамкасбларим иштирок этиш учун бу ерга келишди. EDF компаниясининг бош директори ҳам таширф буюриши кутилмоқда. Бу форумга бўлган халқаро эътиборнинг ёрқин намунасиридир.

Бундан ташқари, тадбирнинг юқори савияда ташкил этилганлигини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман. Тадбир нафақат иштирокчиларнинг сессияларга қатнашиши, балки самарали мулоқот қилиши учун ҳам қулай тарзда ташкил этилган. Хусусан, ўзаро учрашувлар ўтказиш учун ҳам кўплаб шароитлар яратилган бўлиб, бу айниқса, самарали бизнес нетворкиннг учун ниҳоятда муҳим. Умуман олганда, барча таъкилий масалалар жуда оқилона ўйланган.

Биз Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлардан яхши хабардормиз. Ушбу ўзгаришларсиз компаниямиз бу ерда ишлаш имкониятини қўриб қикмаган бўларди.

Ўзбекистон раҳбариятининг ислохотларни бошлаш ва изчил амалга ошириш борасидаги сазй-ҳаракатларини юксак қадрлаймиз.

Лео ДОХЕРТИ, «International Hospitals Group» компаниясининг катта маслаҳатчиси (Буюк Британия):

— Ушбу тадбирда иштирок этаётганимиздан ниҳоятда мамнунмиз. Ўйлайманки, ушбу форум Буюк Британия ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг нақада мустаҳкам эканлигини яққол намойиш этмоқда. Биз ташкилотчилик даражасидан жуда ҳам хайратдамиз — барчаси юқори, профессионал даражада ташкил этилган. Инвесторлар жуда олиқ кутиб олинди. Менимча, бу Ўзбекистон иқтисодиёти бера олиши мумкин бўлган кенг қўламли ва манфаатли имкония-



Штеффен РИХТЕР, «Linde Group» компанияси Яқин Шарқ/Туркия кластери раҳбари ва бошқарувчи директори (Германия):

— Ушбу форум бутун дунё саноат етакчиларини Ўзбекистонда жамлаш ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишиға ҳисса қўиш учун ноёб имконият деб биламан. Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда эришган ютуқлари, ҳақиқатан ҳам, хайратланарли ва биз “Linde” компанияси бу жараёнинг бир қисми бўлишдан жуда хурсандмиз.

2016 йилдан бери амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, маъмурий тизимни оптимallasштириш, рақамлаштириш жараёналарини изчиллаштириш ва инфратузилмани яхшилашга фаол эътибор қаратилётгани биз, хорижий инвесторлар учун жуда муҳим бўлган жиҳатдир.

Ишонч билан, бу каби ислохотларнинг узлуқсиз давом эттирилиши мамлакатингизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб қилишда улкан ҳисса қўшади.



«Дунё» АА.
